ДИЛДА ИСТИҚЛОЛ—ЭЛДА ИСТИҚБОЛ!

Илм—ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

معرفت

MARIFAT

Халқ зиёлилари газетаси — *1931 йилдан чиқа бошлаган* — 1993 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА — № 58 (6569). Баҳоси сотувда эркин нархда.

УЛУҒ АЙЁМ

Бугун ўлкамизда ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват — ҳуррият шодиёнаси! Шаҳар-лар-у, қишлоқларда карнаю-сурнайлар садоси. Бу тантанавор садолар бутун меҳнаткаш элни Мустақиллиқнинг икки йиллик тантаналарига чорлайди. Кексаю-ёшнинг юзларида қувонч, кўзларида нур, дилларида умид ва истиқбол орзуси. Уммондек мавжланган элнинг шодлик тўлқинлари байрамона безанган боғларга ва хиёбонларга нур чироқлар порлаган салобатли майдонларга файзу-тароват бахш этади.

Ўзбекистоннинг бош шаҳри — қадимий ва навқирон Тошкентдаги бу йилги истиқлол байрами буюк бобомиз Амир Темур ҳайкали очилишига бағишланган тантаналар билан бошланишининг катта рамзий маъноси бор. Бу улуғ ва пок ниятли халқимизнинг шонли аждодларимизга, улар ардоқлаган Ватанга садоқатининг ўзига хос кўринишидир.

Амир Темур ҳайкали очилишига бағишланган жамоатчиликнинг катта йиғинида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. Нутқда ҳам маънан, ҳам иқтисодий мустақил юртимизнинг ўз буюк келажагига комил ишонч билан бораётганлиги, мустақиллик одимларига аждодлар руҳи ёрлиги, ундан элнинг умидворлиги ўз ифодасини топди.

Мустақиллик майдонидаги ҳуррият шодиёналари, сайлгоҳлар ва хиёбонлардаги эл қувончи, тантаналар — буларнинг ҳаммаҳаммаси мустақил Ватаннинг мустақил фуқаролари мамлакат тинчлиги ва озодлиги фидойилари эканлигини ёрқин намоён этувчи тарихий воқеалар бўлиб қолажак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг соҳибқирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзлаган нутқи

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улуғ бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалини очиш маросимига йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз ватанига қайтди.

Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди.

Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий ғурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Муҳаммад Тарағай Баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, Ҳадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол-пок инсон бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, Ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида шарқу ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шеърият беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-муруввати, айниқса, ибратлидир.

Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига ҳукмронлик қилган жаҳонгир эрса-да, у кучқудрат, зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улуғ бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гўёки жаҳонгир тулпорининг жиловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда, «Куч — адолатдадир!» демоқда.

Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс садо бериб туришини орзу қиламиз.

Азиз юртдошларим!

Бугун — ўзбек халқи тарихида улуғ кун. Ўзбекистон мустақиллигига, мубарак истиқлолимизга икки йил тўлди.

Ҳаммангизни — кексаю ёшни, бутун Ўзбекистон аҳлини шу буюк сана билан чин қалбдан, ҳар бирингизни алоҳида бағримга босиб қутламоққа ижозат бергайсиз!

Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин!

Муҳтарам дўстлар!

Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Темур бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.

Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаён-шавкатини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, иймон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билакларимизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Барчамизга шу йўлда оллоҳ мададкор бўлғай!

Азим СУЮН

ҚУТЛОВ

Элнинг ҳаётида байрам мўл, аммо
Мен кўп ҳам улардан шодланмас эдим.
Гапим кимларгадир эришдир, илло,
Не қилай, дил сўзин аслини дедим.

Бу гал бошим узра булутлар йитган,
Уларни ҳайдаган эрк шамоллари.
Булоқларим кўзи очилиб кетган,
Ҳилпираб ўйнайди отим ёллари.

Йўқ, олов тутунсиз бўлмас, албатта,
Эҳтимол, уйимда кемтикдир ноним.
Чидаб яшагандан зулм, итоатга,
Озодлик йўлида фидо бу жоним.

Лаҳзаю-балаҳза, соат-басоат,
Тақдирим ўзгарар, кунларим сарбаст.
Элим этагини тўлдирар ҳаёт,
Дарёдан ариқдай ажралмасам, бас.

Бир дарахтни кессанг, ҳолингга қараб,
Унини экмоқлик вожиб бу фурсат.
Отаси душман от бермас (не ажаб!),
Ватан эртасига синов, шафоат.

Гапимдан бурилиб кетдим чамаси,
Халқим, Байрам қутлуғ, демоқчи эдим.
Дунёда жамики байрамлар ичи,
Бу айём энг улуғ, демоқчи эдим!

САХОВАТ

«АФҒОНЧИ» ЙИГИТЛАР РАҒБАТИ

Шу йилнинг бошлари эди. Охунбобоев туманидаги Афғон уруши иштирокчилари уюшмаси раиси Моҳирбек Усмонов туман халқ таълими бўлимдагиларга маслаҳат солди: «Агар хўп десангизлар афғонда ҳалок бўлган дўстларимиздан уч нафарининг хотираси учун улар ўқиган мактабларнинг энг аълочи ўқувчиларига махсус стипендия таъсис этсак»...

Дастлаб стипендия миқдорини 500 сўм қилиб белгилашди. Шундай қилиб, 34-мактабда Умаржон Содиқов, 28-мактабда Ҳомиджон Абдураҳмонов, 8-мактабда эса Шоир Тўхлиев номидаги махсус стипендиялар тўртинчи чоракда ўз эгаларига топширилди.

Энг қувончли томони, таъсис этилган стипендияни агар шу ўқувчи мактабни битиргунича узлуксиз олиб келса, бирор олий ўқув юртига киришда уюшма унга ёрдам беришни ўз зиммасига оларкан.

Мана, янги ўқув йили ҳам бошланди. Халқ таълими бўлимига хўжалик ва ташкилот раҳбарларидан танлифлар тушаяпти. «Афғончи» йигит Моҳирбекнинг истиҳола ила айтган таклифи бугунги кунда туманда тарқалиб кетди. Давлат ва жамоа хўжаликлари ҳам қатор мактабларни ўз оталиқларига олмоқни ният қилишган.

Норқобил ЖАЛИЛ.

МУСТАҚИЛЛИК—РЎШНОЛИК ДЕМАК

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.

Жамият ўзгариши инсон маънавий оламини ҳам ўзгартириб юборади. Иқтисодий-ижтимоий ҳаёт янги йўлга киради. Оддий қилиб айтганда, эски заминда янги ҳаёт бошланади. Ўз-ўзини таниш ҳисси пайдо бўлади. Ҳар бир киши мен нима иш қилдиму нима иш қилишим керак, деб ўзига ҳисоб беради. Чунки янги жамиятнинг талаби катта бўлади. Биз учун мустақиллик уйғониш фаслини бошлаб келди. Ҳар қайси тузумда ҳам миллатнинг юзини, эртасини унинг таълими, маорифи белгилайди. Буни биз тараққий этган мамлакатлар мисолида кўраяпмиз. Ўша биз ҳавас қилиб келаётган Япония, Америка, бошқа Европа давлатлари тараққиётнинг илк босқичидаёқ эътиборни таълимга, фанга қаратгани маълум.

Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Аслида мустақиллик деган сўз ҳам биз учун муқаддасдир. Мустақиллик — бу фахру ғурур, ифтихор билан айтилсагина куч-қувват, қанот бағишлайди. Яшашга умидлантиради.

Юртбошимиз шу икки йил орасида халқ таълимини ривожлантириш, маориф ходимлари — ўқитувчиларни моддий, иқтисодий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш учун қатор фармонлар чиқарди. Ўқувчи — ёшларнинг турмуш тарзини ўзгартириш, уларнинг иқтисодий ҳимояси борасида қилинган ишлар-чи? Биз одатда қийинчиликлар ҳақида кўп гапирамиз. Аммо Мустақиллик туфайли халқ таълими ходимларига берилган имтиёзлар хусусида кам гапирамиз. Президентимиз Республикамизни дунёга танитиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини тиклаш баробарида таълим соҳасига ҳам бетиним ғамхўрлик қилмоқда. Ўтган икки йил ичида тарих саҳифаларига абадий ёзиладиган воқеалар бўлиб ўтди. Мустақил Республиканинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Дарсликлар, дастурларга ўзгартиришлар киритилди. Аксари тубдан янгиланди. Жумладан, «Одобнома», «Инсон ва жамият», «Ўзбекистон халқлари тарихи» ва бошқа фанларни ўқитилишида халқнинг тарихий тажрибаси, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарига, жамиятнинг истиқлол ривожига эътибор берилди.

Республикада янги типдаги ўқув муассасалар тармоғи анчайин кўпайди. Лицей, гимназиялар сони 16 тадан 53 тага етди. Хонадон боғчалари сони икки мингдан ошиб кетди. Асосийси, ўқишга, касбга тилга қизиқиш кучайди. Ўз она тили қатори болаларимиз боғчада, мактабда инглиз, араб тилини ўрганишга астойдил киришди. Ўзбекистон ва Туркия Республикалари ҳамкорлигида жаҳон мезонлари талабига жавоб берадиган таълимни ташкил қилиш мақсадида лицей очилди. Ушбу таълим соҳасидаги халқаро алоқалар 1993-94 ўқув йилида яна кенгайтирилади. Бундай лицейлар сони 27 тага етказилади.

Бунинг ҳаммаси янгича фикрлашнинг бошланиши. Эртани кўзлаб қилинаётган ишлар. Ҳозирги кунда мактаб ихтиёрига берилган соатлар ҳисобига соғломлаштириш дарслари, иқтисод ва табиатни асрашни ўргатиш соатлари киритилди. Ўқитувчилар, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши учун катта йўл очилди. Ўзбек тилини чуқур ўргатиш бўйича қатор изланишлар олиб борилмоқда. Шу жумладан русий забон мактабларида ҳам ўзбек тилини пухта ўргатиш учув янги дастурлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда қилаётган ҳар бир ҳаракатимиз, изланишимиз Республикада соғлом муҳит, осойишталикни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Президентимизнинг халқ таълими тараққиёти учун қилаётган ғамхўрлиги, яратаётган шароити, берилаётган имтиёзлар ҳар биримиздан шуни талаб қилади. Бу энди ҳар биримизнинг ўз вазифамизга масъулиятимизга боғлиқ.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТДИ ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!

Икки йил муқаддам — 1991 йил 31 август куни республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида оламшумул тарихий воқеа юз берди: Республика Олий Кенгашида Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинди. 1-сентябрь Мустақиллик куни, умумхалқ байрами, деб эълон қилинди.

●

Икки йил мобайнида мустақил Ўзбекистон Республикасини жаҳоннинг 150 дан ортиқ мамлакати тан олди, улардан 60 та давлат билан мамлакатимиз дипломатик алоқалар ўрнатди.

●

1992 йил 26 февраль — Ўзбекистон хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа Кенгашига аъзо бўлди.

2 март — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 46-сессиясида Ўзбекистон Республикаси БМТга аъзо бўлди. Халқаро ташкилотнинг Нью-Йоркдаги биноси олдида тарихда биринчи бор Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳилпиради.

●

1992 йил 16 март — Ўзбекистонда АҚШ элчихонаси очилди.

●

1991 йил 16—19 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзол таклифига биноан мазкур мамлакатда расмий сафарда бўлди.

●

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1992 йилнинг 12—14 мартида Хитой Халқ Республикасида, 11—13 апрелда Саудия Арабистонида, 16—19 июнда Жанубий Кореяда, 19—22 июнда Малайзияда, 22—23 июнда Индонезияда, 13—14 августда Покистонда, 18—20 сентябрда Австрияда, 24—25 ноябрда Эрон Ислом жумҳуриятида, 15—17 декабрда Миср Араб Республикасига сафар қилди.

●

1992 йил 8—10 июлда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Финляндияга расмий ташриф буюрди, хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Умумевропа кенгаши йиғинида жаҳондаги 51 давлат раҳбарлари қатори иштирок этди.

●

1993 йил 27 апрель — 1 май — Ўзбекистон Президенти Германияда сафарда бўлиб, бу мамлакат раҳбарлари билан икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини муҳокама қилди, иқтисодий алоқалар бўйича битимлар имзоланди.

●

Ўзбекистон Раҳбарининг шу йил 8—11 июнь кунлари Нидерландияда бўлиши ҳар икки давлат муносабатларида иқтисодий алоқаларнинг янги босқичини бошлаб берди.

ЎЗБЕКИСТОН—КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Республикаси давлат герби Ватанимиз мустақиллигининг рамзидир. Унинг тасвирига разм соларкансиз тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан иборат чамбарга ўралган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб тургани яққол кўзга ташланади. Гербнинг юқори қисмида саккиз бурчак, унинг ички қисмидаги ярим ой ва юлдузлар республикамиз ҳурлигининг ифодасидир.

Герб марказидаги қанотларини ёйган Ҳумо қуши — бахт ва эрксеварлик рамзидир. Қуёшнинг заррин нурлари акси эса республикамиз серқуёшлигини, унинг ҳаёт йўли доимо чароғонлигидан далолат. Ўзбекистон байроғининг лентаси бошоқларни, оппоқ пахта чаноқларини қамраб олган. Бошоқлар — ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз мўл-кўллиги, пахта — миллий бойлигимиз, байроқ лентаси қамрови эса республикамизда яшовчи халқимиз бирлигининг ифодасидир. Гербнинг пастки қисмидаги чамбар лентанинг бандида «Ўзбекистон» ёзуви яққол кўзга ташланади. Бу — Республика Давлат байроғи ифодасидир.

ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР

Ўзбеклар меҳмоннинг иззат-ҳурматинҳ жойига қўядиган халқ. Шунинг учун бўлса керак, улар «Меҳмон отангдан улуғ», деб эътироф этишади. Зеро, меҳмон Оллоҳнинг элчисидир. Ўзбекистоннинг файзи фақат булар билангина эмас, балки ҳамма нарса тўлиқ бўлган баракали бозорлари, шинам чойхоналари, кенг пахтазор далалари, хуллас меҳнатга чанқоқ хуш ҳулқли халқи, шулар билан гўзалдир.

Афсуски, қисқа фурсат мен лутф этган Тошкентдек шаҳри азим, унинг одамлари билан кенгроқ таниша олмадим, аммо юракдан ҳис этиб айта оламанки, ўзгача Ўзбекистон ҳам борки, булар — қизғин ҳаёт билан қайнаб тошаётган ўзбек халқидир.

Нарасимха РАО,
Ҳиндистон бош вазири.

●

Очиғини айтганда, илгари Ўзбекистон ҳақида жуда кам нарса билардим, аммо ўтган бир йил давомида ўлкангизни анча ўргандим. Эндиликда юртингизни, ўзбек халқининг урф-одатларини дурустгина биламан. Илгари ўзбекларнинг меҳмондўстлиги ҳақида кўп эшитган бўлсам, энди ўзим бунга амин бўлдим.

Айниқса, шу кунларда мустақил Ўзбекистонда кўплаб элчихоналарнинг очилиши ўзбеклар диёрининг янада тинч, фаровон яшашида таянч бўлади, деб ўйлайман. Олдинлари тарихдан сизлар Францияни, бизлар Ўзбекистонни ўрганган бўлсак, бугун биз ёнма-ён юракдан биргамиз.

Жан Поль ВЕЗИАН,
Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси.

●

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида қарор топаётган дўстона муносабатларнинг ўзига хос рамзи бор. Айниқса, мустақил Ўзбекистонда «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Ўзбекистонликлар билан биргаликда мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялаш ишига улкан ҳисса қўшган чет эллик фуқаролар ҳам ушбу орден билан мукофотланишлари мумкин.

Мен бугун Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан ғоятда хурсандман. Ҳали бу ёш мустақил Ўзбекистоннинг келажаги порлоқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ва Буюк Британия қўшма қироллигидаги қадимий шаҳарларнинг ўзаро биродарлашуви муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг қизи малика Анна.

МУСТАҚИЛЛИК ҚАДАМЛАРИ

Ўтмиши буюк юртга Мустақиллик порлоқ келажак бахш этиши керак! Ана шу умид ва ишонч билан олға бориш ўтган икки йил ичида Ўзбекистон ички ҳаётида ҳам катта ўзгаришларга олиб келди. Бу барча соҳада бўлганидек халқ таълимидаги туб ўзгаришларда, шу соҳага оид қонунлар, фармонлар, қарорлар ўтказилган йирик тадбирларда ҳам яққол кўзга ташланади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилган Фармонларига кўра, ўтган давр мобайнида беш маротаба педагогик ходимларнинг ойлик маошлари оширилди.

* * *

4 июль 1992 йил. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

* * *

2—3 октябрь Тошкентда МДҲ мамлакатлари таълим вазирларининг доимий ҳаракатдаги конференциясининг биринчи таъсис йиғилиши бўлиб ўтди. Таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

* * *

5 февраль 1993 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» Фармон қабул қилди.

* * *

Ўтган икки йил давомида бир қатор чет мамлакатлар таълим вазирликларининг делегациялари Ўзбекистонда бўлдилар. Туркия, АҚШ, Франция, Россия ва бошқа давлатлар вазирликлари билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақида битимлар имзоланди ва улар рўёбга чиқаётир.

* * *

1991-93 йилларда республикамизда амалга оширилаётган халқ таълимига оид янги, ижобий ўзгаришлар, миллий қадрият ва анъаналаримизни ўзида акс эттирган 44 номдаги янги дарсликлар нашр этилиб, жойларга юборилди.

* * *

8—9-синфларда «Ўзбекистон табиий ва иқтисодий географияси», «Туркистон табиий географияси», «Табиёт» курслари ҳамда янги ўқув йилидан бошлаб «Иқтисод таълими» дарси ўқув фанларига сингдирилган ҳолда ўргатилиши тавсия этилди.

* * *

1992-93 йиллар мобайнида умумтаълим мактаблари учун 20 номдаги дастурлар чоп этилди. «Она тили», «Ўзбек адабиёти», «Қишлоқ хўжалиги меҳнати», «Математика ва конструкторлашириш», «Мусиқа» фанлари дастурлари янгитдан тузилди.

* * *

Ҳозирда ўзбекистонлик 147 нафар ўқувчи Туркияда ҳамда 48 нафар ўқувчи Америка мамлакатида таълим олишмоқда.

* * *

Республикамизда сўнгги икки йил давомида 383 та янги мактаб биноси ишга туширилиб, уларда 125 минг ўқувчи таълим-тарбия олмоқда.

* * *

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, янги турдаги таълим муассасалари — 24 та гимназия, 29 та лицей очилди. Уларнинг кўпчилиги ўзбек-турк лицейларидир.

Биринчи дарс: Ўзбекистон республикаси конституцияси

Ватанимиз ҳудудида катта байрам — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги тантаналари авж олган кунларда ёш авлоднинг порлоқ келажакка тайёргарлигининг пиллапояси бўлган янги ўқув йили ҳам бошланмоқда. Биз, муаллимлар чеҳрасида шодлик ва қувонч балқиган ўғил-қизлар билан учрашувга — биринчи дарсга ошиқамиз. Бу дарс учун ҳар биримиз ҳафталаб, ойлаб тайёргарлик кўрдик. Чунки унинг моҳияти, муваффақияти бутун ўқув йили давомида ўқувчиларнинг билим олишга иштиёқини таъминловчи манба бўлиб қолади. Зотан, биринчи дарс ҳаётимиз ва давлатимиз

ДАВЛАТИМИЗ ВА ҲАЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

таянчи Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланади!

Мен машғулотнинг мавзусини «Ўзбекистон — инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат», деб белгиладим. Бундан мақсад асосий Қонунимизнинг зуб моҳиятини ўғил-қизларга тушунтириш, улар билан қонунчилик ва фуқароларнинг ҳуқуқлари тўғрисида эркин фикр алмашишдир. Бунда бош манба «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» китоби, Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолалари, «Ўзбекистон» альбоми ва бошқалар бўлади. Альбомни ўзим вақтли матбуот материаллари асосида тайёрлаганман. Шунингдек, кўрсатмали материал сифатида давлатимиз герби, байроғи, суратлардан ҳам фойдаланаман.

Дарсдаги асосий мўлжалим ўқувчиларга Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини ифодалашини, унинг манфаатларига хизмат қилишини уқдиришдир. Бу ўринда Ўзбекистон Президентининг **«Бош Қонунимизнинг ўзига хос жиҳати шуки, коммунистик мафкура яратган синфийлик ва партиявийлик каби аҳолини тоифаларга ажратувчи номатлуб ғоялардан мутлақо фориғдир. Диққат марказида инсон, фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар бош Қонуннинг асосини ташкил қилади»**, деган сўзларни атрофлича шарҳлаб бераман.

Дарснинг қизиқарли, таъсирчан ва самарадор бўлиши кўп жиҳатдан уни қандай бошлашга ҳам боғлиқдир. Шу сабабли мен машғулотни Ватанимизнинг тарихи, халқимизнинг маданияти ва қадриятлари тўғрисида қисқача ҳикоя қилишдан бошлашни режалаштирдим. Чунки ўқувчиларда Ватан билан фахрланиш туйғусини жўштириш орқали бош мавзуга — Ўзбекистоннинг Асосий Қонунига ёндашиш, менимча, дарс самарадорлиги ва таъсирчанлигини таъминлайди. Шундан сўнг мустақил Ўзбекистоннинг кейинги икки йил ичида жаҳонда обрў-эътибори ортганлигини, энг нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлганлигини, давлатимиз халқаро қонун-қоидаларга амал қилишини тушунтириб бермоқчиман. Конституцияда мамлакат ижтимоий тузуми ва давлат тузилиши принциплари, фуқаролар ҳуқуқ ва бурчларини акс эттиришини айтиб, республикамизнинг Конституцияси 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинганлигини, эндиликда ҳар йили 8 декабрь мамлакатимизда умумхалқ байрами бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман.

Асосий Қонуннинг матнини тузишда катта меҳнат қилинганлиги, ривожланган мамлакатлар тарихий тажрибаси, ўзбек давлатчилик тарихи манбаларидан кенг фойдаланилганлиги, халқимиз ва юртимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳар томонлама инобатга олинганлигини тушунтириш ўқувчиларда бу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир моддаси умумхалқ тафаккурининг маҳсули деган тушунчани пайдо қилади.

Маълумки, дарсда ўқувчилар фаоллигини ошириш дарснинг таъсирчанлигини таъминлайди. Шунинг учун машғулотнинг бир қисмини Ўзбекистон Конституцияси V бобининг 18, 39, 40, 41-моддалари юзасидан савол-жавоб баҳсига айлантиришни режалаштирдим. Унда, шубҳасиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида қизғин мунозара бўлади. Малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, илм олиш ҳуқуқлари тўғрисида ҳам кенг фикр юритамиз. Бу ўринда «Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳам тўхталиб, унинг асосий мазмуни ҳақида сўзлаб бермоқчиман.

Умуман, дарсда давлат бошқаруви ва халқнинг ҳаёти Қонунга таянган ҳолдагина эркин ҳаёт тарзи таъминланишини ўқувчилар онгига тўла етказишга ҳаракат қилинади. Шу боисдан бу дарс ўз моҳияти билан ўғил-қизларда ўз Ватани, давлати, унинг қонунларига ҳурмат ва эътиқодни шакллантиради, деб ўйлайман. Бу уларнинг ўқув йили давомида билимларни пухта эгаллаш, мустақил Ўзбекистоннинг муносиб фуқаролари бўлиб етишиш учун интилишининг дебочаси бўлиб қолади, деб ишонаман.

А. ПЎЛАТОВА,
Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 30-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

ЎҚУВЧИЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллик байрами арафасида Тошкент шаҳридаги 21-болалар уйида шаҳардаги 22-, 21-болалар уйлари, 98, 100-мактаб-интернатлар, республика нафис санъат мактаби, ҳарбий лицей, турк лицейида таҳсил олаётган талабаларга Президент совғасини топшириш маросими бўлди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Иўлдошев номи ёзилган қўл соатларни топшириб, мукофот соҳибларини мустақил жумҳуриятимиз равнақи йўлида ғайрат ва сабот билан ўқишга даъват этди.

Ўзбекистон Республикасининг қутлуғ байрами арафасида барча вилоятлардан 402 нафар иқтидорли ўқувчига Президент совғалари топширилди.

Мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: 21-болалар уйида совғаларни топшириш маросимидан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ.
олган сурат.

Дилмуҳаммад КАМОЛОВ:

ЮРТИМИЗ ЮЗИНИ ЕРГА ҚАРАТМАЙМИЗ

Шу кунларгача ҳам ўқувчиларнинг халқаро миқёсда кўплаб мусобақалари бўлиб ўтган... Бироқ, 1993 йилнинг май ойида Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлган ўқувчиларнинг «Экология ва соғлиқ» халқаро олимпиадаси аввалгиларига ўхшамади. Тошкентдаги Ўзбекистон — Туркия ўғил болалар лицейи толиблари бу беллашувда илгаридагидек СССРнинг эмас, балки давлат сифатида мустақил бўлган Ўзбекистон Республикаси шаънини ҳимоя қилишди. Яна шундай ҳимоя қилишдики, унда юртдошимиз, Дилмуҳаммад Камолов биринчи ўринни қўлга киритди.

Дилмуҳаммад беллашувгача хаёлингдан нималар кечган эди?

— Очиғи, аввалига, америка ўқувчилари, умуман, хориж болалари ўзбеклардан анча илгарилаб кетган деган шов-шув мени ҳам саросимага солганди. Яқинроқ танишгандан сўнг улар билан ҳам бемалол баҳслашиш мумкин эканлигига амин бўлдим. Кўнглимда ўз кучимга ишонч уйғонди.

— Олимпиадада қандай иш билан қатнашдинг?

— У ерда асосан кимё — биология фанига боғлиқ мавзулар муҳокамага қўйилди. Мен эса «Табиий зеолитларнинг ион алмашиниши» мавзуи билан иштирок этдим.

Бу мавзунинг аҳамияти, ўзга хослиги хусусида гапириб берсанг?

— Шу пайтгача табиий зеолитларнинг сув билан реакцияга киришиши ҳақида қисқача маълумот бўлган. Менинг ишимда эса бу реакция жараёнида табиий зеолитларнинг сувдан оғир металларни ўзига тортиб олиш ва кимёвий усулда тозалаш хусусиятлари ёритилган.

Сенга бу борада бевосита кўмак берган муаллимларинг кимлар?

— Лицейда кимё фани ўқитувчим Селим Ўздемир катта ёрдам берди. Туркияда бўлган бир ҳафта тайёрланиш жараёнида эса директоримиз Фотиҳ Рушдий Зор бош-қош бўлдилар.

Қайси тилда сўзга чиқдинг?

— Ишимни инглиз, турк, рус тилларида тушунтирдим.

Демак, бу учала тилни биларкансан-да?

— Яхши биламан, дея олмайману, лекин фикримни тушунтира оламан.

Мустақиллик ўқувчилар, хусусан, сен учун нима берди, деб ўйлайсан?

— Аввало, мен эришган ютуқнинг ўзи мустақиллик шарофати. Нега деганда, хориж мамлакатларига, айниқса, ўқувчиларнинг чиқиши яқин икки йил орасида йўлга қўйилди. Шундай имкониятларни берган юртимиз юзини ерга қаратмаймиз. Эрта-индин янги ўқув йили ҳам бошланади. Тенгқурларимни, барча ўқувчиларни икки байрам — Мустақиллик куни ва янги ўқув йили билан табриклайман!

Суҳбатдош
А. РАҲИМОВ.

МУСТАҚИЛЛИК—РЎШНОЛИК ДЕМАК

(Бошн 1-бетда).

Эндиликда ҳар бир ўқитувчи ўз устида пухта ишламаса, кундалиқ ўзгаришлар, янгиликлар олдида шошиб қолиши турган гап. Дарслик, дастур, турли кўргазмали қуроллар қанчалик ўзгариб бормасин, агар ўқитувчи ижодкор бўлмаса, ўқувчини қизиқтира олмайди. Аниғи, ўзига эргаштиролмайди. Аслида ҳар бир ўқувчи меҳрталаб бўлади. Меҳр шафқатли бўлиш ўқитувчининг маданияти, маҳорати қай даражада эканлиги билан ўлчанади. Маълумки, иқтидорсиз боланинг ўзи йўқ. Ҳар бирида қайси бир фанга, касбкорга мойиллик бўлади. Ана шуни аниқлаш, йўналтириш ўқитувчининг бош вазифасидир. Шу маънода ўқитувчи ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиб, ёш авлод онгига янги замон руҳини сингдириши, уни чин билимдон, ватанпарвар қилиб тарбиялаши шарт.

Маълумки, азалдан республикамизда турли миллат ва элатлар яшаб келади. Уларнинг келажак тақдири Ўзбекистон билан абадий боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу табиий, албатта. Қолаверса, ривожланган ҳар бир мамлакатда ўзининг туб аҳолисидан ташқари бошқа халқ вакиллари ҳам яшаб келади. Гап уларнинг бирга яшашида эмас, аксинча у ёки бу миллат вакилининг шу республика иқтисоди, фани, илми, техникаси ривожига қўшган ҳиссаси билан белгиланади. Мактабларимизда эса таъкидлаганимдек, турли миллат вакилларининг ўғил-қизлари таълим олмоқда. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши учун фидойи ёшлар бўлиб ўсишига шак-шубҳа йўқ.

Айни кунда шахс камолотини тараққий эттириш, иқтидорли болаларни аниқлаш — замон талаби. Энди ўртамиёна дарс бериш билан иш битмайди. «Таълим тўғрисида»ги Қонун амалга оширилиши билан IX синф таянч мактабни битирган ўқувчиларнинг ўқиш ва ишлашини ташкил этиш долзарб масала бўлиб қолди. Ўз-ўзидан мавжуд ҳунар-техника таълими билим юртлари барча ўқувчиларни қамраб ололмайди. Халқ ҳунармандлари, маҳаллий жамоатчилик бу борада бизга ёрдам бериши керак. Вилоятларда турли халқ ҳунармандчилигини ўргатувчи Марказлар, Устошогирд мактаблари тармоқларини кенгайтириш даврдир. Ҳар бир имкониятдан тўла фойдаланишимиз зарур. Гап болаларни ўқитиш билан биргаликда яшашга ҳам ўргатиш устида бораяпти. Ҳозирги кунда болалар қўли билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб кучайди. Шундай экан, ҳар бир мактаб, ҳунар-техника билим юрти ўз имкониятларини чамалаб, амалий ишларга жиддий эътибор беришлари лозим.

Ўқитувчилар жамоасини бирлаштириш, соғлом муҳит яратиш, аввало мактаб раҳбариятига боғлиқ. Агар мактаб директори билимдон, тажрибали, тадбиркор бўлса, ўша мактаб жамоатчилиги замон руҳи билан яшайди. Янгича фикрлаш мактаб остонасининг муқаддаслигини сақлаш, давлат мулкини авайлашдан бошланади. Давлат мулки аслида сизу бизнинг мулкимиз. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи китоб-дафтардан тортиб, мактаб мулкини асрашни ҳам билсин. Ўз ўқувчиларига шуни сингдирсин. Тежамкорликни ўргатиш, шунга риоя қилиб яшаш ҳам санъат.

Мустақиллик байрами руҳи бу йил ҳар бир хонадонга кириб борди. Кечаги ишонч қанотланди. Республика халқ тизимидаги барча ўқув муассасалари бу байрамга катта тайёргарлик билан келди. Бўлиб ўтган анъанавий август кенгашларида ҳам бу ҳол кўзга ташланди. Эртага бўладиган биринчи дарс «Ўзбекистон Конституцияси» мавзуига бағишланади. Бир ҳафта давомида «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» мавзуида ўқувчилар орасида миллий истиқбол шарафига бағишланган ҳар хил мусобақалар, зеҳнлилар беллашуви бўлиб ўтади. Ана шундай кўтаринлик руҳи билан янги ўқув йилингиз бошланади.

Азиз, фидойи ўқитувчилар, Халқ таълими жонкуярлари! Барчангизни шонли Мустақиллик байрами билан самимий табриклайман! Бу узоқ йиллар давомида ўрганиб қолганимиз қуруқ, тантанавор сўз эмас. Ғурурланиб, тантана қиладиган кунлар келди. Қадри баланд таълим ходимлари буни тўғри тушунади. Боғча тарбиячиси, ҳунар-техника билим юрти устаси, борингки, вазиргача, барча-барчаси, республикамиз келажаги, унинг жаҳон миқёсидаги тараққиёти учун жавобгардир. Бугун биз бошлаган хайрли қадам эртага ўз мевасини беради. Биз таълим-тарбия бераётган болалар қанчалик бақувват, соғлом, билимдон бўлса, йигирма биринчи асрга юзимиз ёруғ бўлиб ўтамиз. Мустақиллигимиз рўшнолиқ олиб келди деб, қоматимизни баланд тутамиз!

МУСТАҚИЛЛИК ТАҚДИРИМИЗДА

— Сўнгги икки йил ичида олий таълим тизимида ҳам асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берди, десак муболаға бўлмайди. Қабул имтиҳонларининг тест усулига ўтилиши, талабаларимизнинг чет элларда таҳсил кўраётганлиги, ўқитувчиларимизнинг илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиб келаётганлиги, таълимнинг поғонали усуллари... Эҳе, қайси бирини санашни ҳам билмайсан, киши. Қисқаси, ижобий маънодаги бу ўзгаришларнинг ҳамма-ҳаммаси ҳам истиқлол шарофатидир.

Оқил САЛИМОВ,
Тошкент давлат техника доримфунунининг ректори.

— Оналарини улуғлаган, ғўдакларининг бошини силаган давлатнинг келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз. Бу борада давлатимиз таҳсинга сазовор, эзгу ишларни амалга оширмоқда. «Соғлом авлод учун» унвонининг таъсис этилиши, истиқлолнинг бир неъмати сифатида биз оналарни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.

Сабоҳат ЭШОНҚУЛОВА,
Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «Нилуфар» болалар боғчасининг тарбиячиси.

●

— Мустақиллигимиз шарофати туфайли Ўқув, тарбия ишларида сифат ўзгаришлари рўй берди, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг саводхонлигини кескин оширдик. Мактабларимизда 13 та миллий синф, 30 та табақалаштирилган синф, она тили ва адабиёт, чет тили, математика, биология фанларини чуқур ўргатувчи 8 та синф ташкил этилди. Ўтган икки йил орасида бу ўз самарасини берди. 1992 йили вилоятда ўтказилган фанлараро синовларда туманимиз мактаблари 19 та фахрли ўринни эгаллаб, ғолиб бўлган эди. Бу йил ҳам вилоятда ўтказилган синовларда туманимиз яна биринчиликни қўлга киритди. Бошқа кўрикларда ҳам ғолибликни қўлдан бермай келяпмиз.

Ёқубжон МАДАМИНОВ,
Гулистон тумани халқ таълими бўлими мудири.

БУЮК ДАВЛАТ



ДИЁРИМИЗ ҲАҚИДА

Киндик қоним тўкилган она юртим — Ўзбекистонга мустақилликка эришгандан сўнг илк ташриф буюришим. Ўтган қисқа фурсат ичида жуда кўп ўзгаришлар юз берипти. Ҳали дунёда озодликка эришганришим. Ўтган қисқа фурсат ичида бунчалик ютуққа эришган эмас. Бош кентимиз бўлган Тошкентда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари эса мени ниҳоятда хурсанд этди. Шаҳарнинг қоқ марказидаги хиёбонда соҳибқирон бобокалонимиз Амир Темурга улкан ҳайкал ўрнатилишининг ўзи ҳам халқимиз ўзлигини таниётганлигидан далолат бериб турибди. Шунчалик қийинчиликларга қарамай, бозорлардаги тўкинчилик мени хурсанд этди. Мустақилликнинг икки йиллиги арафасида ишга тушадиган Анҳор бўйидаги ҳайбатли «Туркистон» санъат кошонасини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди...

Собир САИҲОН,
туркиялик ватандошимиз.

●

Аввало, шуни таъкидлашим керакки, мени ўз отабоболарим юрти тупроғи оҳангрободек ўзига тортиб келарди. Кўп йиллик бу эзгу ниятим Ўзбекистон истиқлоли туфайли амалга ошди. Ер юзидаги ҳеч бир мамлакатда Ватан мустақиллиги тинчлик, осойишталик билан қўлга киритилмаган. Шундай экан, бу ноёб бахтни бир тан, бир жон бўлиб кўз қорачиғимиздек эъзозлашимиз керак.

Мунаввар ОЛГУН,
Тошкентдаги таълим ва тил ўрганиш бўйича Америка ҳамкорлик ташкилоти (АКСЕЛС) вакили.

«Тошкентда тузилган халқ таълими соҳасида ҳамкорликка оид Битимнинг асосий бандлари олдинданоқ кўзда тутилганди. Бу ҳужжат тўла амалга ошишига ва олдимизга қўйилган вазифалар бир-биримизни қўллаб-қувватлаган ҳолда рўёбга чиқишига ишонаман».

Э. Д. ДНЕПРОВ,
Россия Федерацияси таълим вазири.

●

«Мустақил давлатлар таълим вазирликлари ўз ишларини мустақил амалга ошираётирлар. Бу — яхши. Бироқ қатор муаммолар борки, уларни ҳал этиш МДҲ мамлакатлари таълим тизимлари билан ҳамкорликда иш юритишни талаб этади. Ана шу эҳтиёж доимий ҳаракатдаги конференцияни таъсис этиш зарурлигини кўрсатади. Унинг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бўлганлигидан, Республика ҳукумати тўла қўллаб-қувватлаб, шароитлар яратиб берганлиги, учрашувда ҳамкорлик Битими имзоланганлигидан мамнунмиз».

В. А. ГЕЙСЕНОК,
Беларусь таълим вазири.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи бугунги кунда мустақиллик рамзи сифатида мамлакатимиздагина эмас, энг нуфузли халқаро ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида, жаҳон мамлакатларидаги Ўзбекистон элчихоналари пештоқида ҳилпираб турибди. Халқаро учрашувларда мамлакатимиз раҳбарларини, ва делегацияларини шу байроқ кўтарилган ҳолда кутиб олинмоқда. Ҳа, Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ғуруримиз, ифтихоримиз, мустақил мамлакатимизнинг такрорланмас табиатини, тарихини, миллий руҳини ва энг яхши анъаналарини ўз жилолари орқали жаҳонга кўз-кўз қилаётган рамзимиздир.

Байроғимиз тўрт рангдан иборат бўлиб, учга бўлинган: юқориси — мовий, ўртаси — оқ, паст қисми — яшил. Мовий ранг мусаффо осмонимизни, оқ ранг — тинчлик ва поклиқни, яшил ранг — ҳаёт ва ҳосилдорликни ифодалайди. Ўртадаги оқ ранг паллаларини ажратиб турувчи қизил эса ҳаёт рамзидир. Байроғимизда янги ой, ўн икки юлдуз акс эттирилган, Янги — ой янги туғилган Мустақиллигимиз, юлдузлар эса булутсиз осмон тимсолидир.

Юлдузларга ўхшатгум сизни

БАДИА

(ПАРКЕНТ ТУМАНИ ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМЛИ 4-ЎРТА МАКТАБ ЎҚИТУВЧИЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ)

Болалигим бағри кенг дунё

Қизалоқнинг тушларига яна қўнғироқ кирди. Дафтар, қалам, ручка ўчиргичгача солинган осма сумкаси унинг тушларини ҳеч бир кун тарк этмасди. Гоҳо тушлари бузилиб чўчиб турарди-ю, ойисидан беркитиб ёстиғининг тагига қўйиб ётган сумкачасига қўл югуртирарди... ва севиниб кетарди...

Қизалоқ қуёшдан ҳам барвақт турарди:

— Қуёшжон тезроқ чиқа қолсанг-чи, — дерди уйқучан кўзларини ярим очиб, — кейин мактабга боришимга биринчи қўнғироққа шунча қолади.

У бармоқларининг иккитасини букиб, қўлларига тикилди... Тонгнинг отишидан дарак бўлмагач, ўй-хаёли сиғмаётган боши ёстиққа тегди. Тегди-ю... яна туш кўрди...

Болажон учун қушларнинг сайроғию булбулларнинг хониши Биринчи қўнғироқ эди. Кўчани чангга тўлдириб ўтаётган қўй-қўзиларнинг маърашию, ҳовлидаги ариқни тўлдириб оқаётган сувнинг жилдираши ҳам, шамолда тебранган дарахт барглари-нинг шитирлаши ҳам — ҳамма-ҳамма нарса Биринчи қўнғироқдек бўлиб туюлавераркди унга...

У кунни қизалоқ энтикиб-энтикиб, орзиқиб-орзиқиб, соғиниб кутди: «Кунларнинг ўтиши шунчалар қийинми?! Сен тезроқ келақолсайдинг, қўларимни кенг ёйиб қаршилардим-да, қучиб-қучиб олардим».

...Эй, қизалоқ, биллур болалик! Сенинг бағринг шунчалар кенгки, қалбинг тўридан яхшилик, пок одамлар, эзгу ниятлар, ҳокисор ўйлар учун ҳамиша, ҳамма вақт жой топилавераркди. Болалик — бу бағри кенг дунё... Бу дунёнинг ҳар бир сонияси кумуш зарга гавҳару тиллога ҳеч-ҳеч тенглаштириб бўлмайди. Самимийлик, ростгўйлик, ҳалоллик болаликнинг олтин устунлари бу! Болалик кунларининг қадрига етмаймиз, етганда эса йиғлаймиз. Чунки болалик дунёсидан чиқмоқ бору, кирмоқ йўқ!

«Эй, бағри кенг дунё! Мени бир дақиқагина, йўқ-йўқ бир умргина бағрингга ололасанми?!».

Сўровларим жавоб топмай қўнғироқ жаранглаб кетди. Унинг жаранги дунёни, дунё тан олган Ўзбекистонни тутди. Қизалоқ интиқиб кутган Биринчи қўнғироққа Мустақилликнинг мустаҳкам қўнғироғи қўшилиб олам аро янграркди...

Болалигим йўқолган кун

Болалигингиз қай йил, қай вақт, қай кун йўқолганини биласизми? Йўқ-йўқ, эслай олмайсиз, туш кўргандек бўласиз, ширин бир туш. Энди у «туш»лар хуш бўлмайди...

Аммо мен, менинг синфдошларим ўша кунларни онамиздек азиз муаллималаримиз, отамиздек ғамхўр ўқитувчиларимиз бағрида ўтказганимиздан қувониб, фахрланиб юрамиз. Илм ўрганиш (ўргатиш) игна билан қудуқ қазишдек қийин, дейишади. Йўқ, ҳали қўлига қалам тутишни билмаган болакайга ҳарф танитиб, ўқишёзишни ўргатиш ҳеч бир машаққатли меҳнатга тенглаштириб бўлмайдиган, шоирлар таърифини топаолмаган, олимлар ўрганиб кашф қилолмаган дунё.

Дилором опа Ҳисомиддинова! Бу номни эшитиши билан ўқувчиларнинг чеҳрасига илиқлик, табассум югуради, исмини ҳурмат билан тилга олади. Дилором опа — биринчи ўқитувчимиз. Уларнинг билимдонлиги, сабр-тоқати-ю, тинимсиз меҳнати, касбига бўлган муҳаббатини ҳамма тан оларди. Ўқитувчига хос сипо кийиниши у кишини яна ҳам улуғроқ кўрсатади. Дилором опанинг гапи гап, сўзи сўз эди. Сўзларини саралаб-саралаб гапирарди. Обрўю мукофотлари етарли эди. Булар ҳакда у давраларда гапириш тугул, ўзича ўйламасдан ҳам, аммо дарс беришни мардомига етказиб кўярди.

— Дарс тайёрлаб келмаган ўқувчидан кўра, дарсга тайёргарлик кўрмасдан келган ўқитувчини кечириб бўлмайди. Бу болалар ҳақига хиёнат, ўғирлиқ — Опамизнинг бу гапларини йўлакда ҳамкасабаси билан гаплашаётганларида тасодифан эшитганману, ҳаёлимда бир умрга муҳрланиб қолган.

Гоҳо ёш бўлишига қарамай, юзаки дарс ўтадиган ўқитувчиларни кўрганимда Опамнинг гаплари ёдимга тушаверади ва ҳурматим ортаверади уларга.

Мен Опамизнинг барча хислатларини яхши биламан, деб ўйлардим. Йўқ, болаликнинг бебаҳо йиллари, тилларанг йўллари ортда қолган кунларнинг бирида уларни учратдим:

— Болам, ўттиз икки йилдан бери янги ўқув йилининг ўғил-қизлар билан байрамдек кутардим. Бугун, бугун... чидаёлмадим, болам. — Опа кўзларига ёш олди. — Биринчи қўнғироқни, болаларнинг шовқинини эшитдиму, уйда ўтиролмадим. Деворларни ушлаб, аранг ҳовлига чиқдим. Кўзим тиниб, юролмай қолдим. «Дод» деб шу ердан чиқиб кетгим келди. Уйим мактабга яқинлигидан умримда биринчи маротаба афсусланиб кетдим. Болаларга, ишимга ниҳоятда ўрганиб қолган эканман, соғлиғим бўлганда... — Назаримда Дилором опа унсиз йиғлар, кўзларидан оқаётган марварид томчилар менинг юрагимни ёқар эди... Ҳайратдан қотиб қолдим: «Бу не? Касбга меҳр, болаларга муҳаббатми?».

— Фидойилик! — олисдан сирли садо келди.

Опамнинг, фидойиликнинг қаршисида тиз чўкдим. Тангридан узоқ умр тиладим уларга.

— Узоқ умр кўринг! — минглаб болакайларнинг дуоларга очилган қўллари беғубор юзларига тортилади. Беғубор қалбларнинг беғубор ниятлари ижобат бўлгай...

Учар дарё

Ишонч, Умид, Сабр, Инсоф дарахти қайда ўсади?... Қай бир юртда йилнинг тўрт фаслида гуллаб турувчи ёки тўрт фаслда ҳам бирдек мева берувчи дарахт бор? — Айтинг, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган манзилдан топилдими бу дарахт?... Агар топилса, топилсайди, юраги куймайдиган нор йигитларимиз сардор бўлиб ўша даргоҳга отланардилар ва қамчи урган отларига ортиб олиб келарди унинг ниҳолларини ва ҳар бир хонадон ҳовлисига умид билан экиб қўярди...

Афсус, минг афсуски йўқ!

Табиат билан инсон ўртасидаги ўхшашликни тангри бир-биридан қиёс олиб яратгандек: гоҳ шодон, гоҳо ғамгин... бир йил ҳосилни совуқ-дўл урса, яна қайси йил мевалари тўкинлигидан бошини эгиб қолган новдалар...

Мактабни битирганимизга, сўнгги қўнғироққа ўн бир йил бўлибди. Нақотки?! Ишонгинг келмайди... Сўнгги қўнғироқда ўн йилдан кейинги тасаввур қилганимизда, «ҳамма ақлли бўлиб қолади» деган ўй-фикрлар хаёлимиздан кечганди. Яна... ҳамма ниятларига, албатта, етадиган ва ҳамиша бахтли кунларга ошно бўлиб яшайдигандек эди. У кунлар — эртак, у ўйлар афсона экан. Яхши-ёмон кунларнинг эгизаклигини инсонни Бахтнинг қадрини баланд тутишга кўнгилга михлаб солиб қўяркан баъзан...

Умр — оқар дарё. Йўқ, мен уни умр учар... учар дарё экан, дегим келади. Йўқса, бизнинг сўнгги қўнғироққа ўн бир йил ўтганига сира-сира ишонгим келмайди. Тенгдошларимнинг шўхликлари, қийқириқларга тўла ҳазиллари ўша-ўша. Уларнинг қайси бирлари бу йил фарзандларини Биринчи қўнғироққа етаклаб боради-ю, мен эсам кеча-кечагина мактаб партасидан чиққандек бўлавераман ва ўзимни мажбурлаб бўлса-да, иқрор бўламан: ўн бир йил...

Бу учар йиллар ўқитувчиларимизнинг меҳнатлари сабоқларини сарҳисоб айладди: элига эл бўладиган ҳақиқий инсонлар — касбининг усталари бўлиб етишди уларнинг ўқувчилари. Эндиликда уларнинг бири шомдан тонгача аёл бошида тик туриб унга оналик бахтини тўкис ҳадя этмоқ учун курашади. Яна бири ҳақни ноҳақликдан ҳимоя қилмоқ учун қонун — ҳаёт китобларининг минг бир варақларига кўз нурларини тўкиб, ҳақликка йўл топади... Шифохонада, тикув дастгоҳларида, далада, алоқа, маориф соҳасида, доришуносликда ўз касбининг усталари бўлиб етишган ўқитувчиларимизнинг ўқувчилари...

Ўн бир йил... Устозларимизни атиги бир марта бориб йўқлай олдикми? Бир марта раҳмат айтишга ярадикми? Рости, йўқлаш — соғлиғини бир сўраш кўнглимизда бўлади, бўлади-ю шароит бўлмайди, гоҳо имконият, гоҳо эса ўй-ташвишлар...

Вақт, имконият қидириб ўн бир йил ўтиб кетибди. Бу йиллар ҳар бир ўқитувчимизнинг ўзига хос ажойиб хислатларини бизнинг қалбимизга муҳрлаб, уларга чексиз ҳурматимизни орттирди. Уларнинг кўнгилларини сўрашга боролмадигу, уларнинг бебаҳо фазилатларини кўнглимизга тугиб қўйдик.

Ҳасан ака Ибрагимов — ўз фанининг билимдони. Серфикрлилик уларни янада салобатли қилиб кўрсатади. Қаттиққўллигини эшитганмизу, рости икки-уч дарсларига киришга қўрққанмиз... Кейин эса ҳатто адабиётни ёқтирмайдиган, ўқишга унчалик хуши йўқ болалар ҳам Ҳасан аканинг дарсини орзиқиб кутадиган бўлишди. Чунки улар дарс билан чекланиб қолмай, шу мавзуга доир қизиқарли воқеаларни келтирар, далил сифатида бешўн, ҳатто ўн беш йил илгари газета ва журналларда чиққан материалларни кўрсатиб, кунигача айтиб изоҳларди...

Биз адабиётдан «беш» баҳо олишни жуда-жуда истардик... Аммо бу қийин эди, ҳаяжонланганимиздан бирини айтсак, бири эсдан чиқиб қоларди.

Шундан кўпчилик «аъло»гаю, «ўрта»га ўқийдиганлар ҳам берилган мавзуни қанча қийиналмасдан ёд олишни урф қилишди.

Бир куни иншо дафтаримизни тарқатмасдан, аввал, Ҳасан ака жилмайиб гапириб қолдилар:

— Баъзиларинг кўчириш экан дея нуқта-вергулигача кўчирибсанлар-а... Номларингни айтиб, уялтирмоқчимасман. Дафтарларингга «Плагиатор!» яъни «кўчирмачи» деб ёзиб қўйдим, — дедилар.

Ўқувчилар дафтарнинг тарқатилишини сабрсизлик билан кутишарди.

Иншомни олдиму, қўрқиб кетдим. Шеригим — энг яқин дугонам ҳам кўрмасин, деб шартта ёпдим! Не кўз билан кўрайки, дафтаримга: «Плагиаторлик сезилиб турибди!» деб ёзиб қўйилган эди. Оёғимгача титраб, кўзларимга ёш келди. Аммо ҳамма сезиб қолаётгандек ёшларимни юрагимга ютиб, қўнғироқни кутдим. Секин атрофга разм солиб «бошқачароқмикан» деган ўй билан яна дафтаримни очдим. Йўқ, ўша гап. Баҳони энди кўрдим «беш». Ҳеч нарсага тушунолмадим, тушунтира олмадим... Ўқитувчимизнинг кўзига қаролмай синфдан тезроқ чиқиб ўйга кетдим.

..Бир пайт уйғонсам, ёстиғимнинг нами юзимни ачиштирар, қовоқларим шишиб кетганди: «Беш» баҳо оламан деб қайтақайта ўқийверибманда, матнни ёд олиб қолганимни сезмабман... «Беш» оламан деб шунча... ҳақсизлик...

Ўқув йилининг охиригача ўқитувчимизга кўринмай юришга ҳаракат қилдим...

Саттор ака Ашуров. У мавзуни ҳар тарафлама қизиқтириб тушунтирар, тажриба ўтказар, бизлардан ҳам билимдонликни талаб қиларди.

Гоҳо кеча баҳо қўйган ўқувчисидан бугун янги мавзуни яна сўрарди. Бизлар баъзан ҳайрон бўлардик: «Кеча доскага чиққанман-ку», деб.

Кейин билсак, бизларни ҳар куни дарсга мукаммал тайёргарлик кўришимизни, пухта билим олишимизни истар эканлар...

Саттор ака ўқувчиларни баъзи ўқитувчилардек қаттиқ уришмасдилар... Уришсалар ҳам ҳар бир ўқувчини сизлаб гапиришлари кўнгилга оғир тегмасди, аксинча ўзига бўлган меҳри янада орттирарди болаларда.

Акмал ака Мирпайзиев мард эди. Бошқа ўқитувчиларга асло ўхшамайдиган ўзгача мардлик бор эди уларда.

— Сенларни дарсда ўтиришга мажбур қилмайман, — дерди улар. — Хоҳлаганлар чиқиб кетиши мумкин...

Лекин биронта ўқувчи дарсни ташлаб чиқиб кетмасди ва яна улар чорак охирлаётганда айтардиларки:

— Фақат менинг фанимдан баҳоларинг паст бўлиб қолган бўлса, айтинглар, қўйиб бераман неча баҳо керак бўлса...

Уларнинг мардона сўзлари ўқувчиларнинг қалбига мардлик соларди ва ҳеч ким айтмасдики, «менга шу баҳони қўйиб беринг», деб. Мардликларини ҳаммамиз тан олардик, айтгимизми, сездиргимизми келарди, аммо! «Сиз ўзгача мардсиз», деб айтишга ботинолмасдик.

Акмал акамизнинг меҳрга йўғрилган мардликлари ўқувчиларни ўз ғуруруни баланд тутишга ўргатарди...

Ғурури бор кишининг боши тик, юзи ёруғ бўлади... Ёруғликнинг йўллари равон, эзгулик ва ғурурни юракларга жойлаган устозларнинг умри узоқ!

Флора (Патипова) опамизнинг исмини эшитсак, энг қувончли кунларимиз — саёҳатларимиз ёдимизга тушади. Улар умрини ўқувчиларга бағишлаган фидойи ўқитувчилардан эди. Билимдон, ташкилотчи, ғамхўр синф раҳбаримиз эди улар. Ҳамма нарсага вақт топар, улгурар эди: баҳор бошланиши билан лола сайлига олиб чиқарди, таътилларда шаҳарга — музей, хиёбонларга саёҳат уюштирарди. Ҳар биримизнинг уйимизга бориб оиламиз ва шароитимиз, дарсхонамизгача гаплашардилар. Ҳатто қай биримизнинг қайси касал билан қачон оғриганимизни ўзимиздан ҳам яхши билардилар ва шунга қараб врач қоғози бўлмаса ҳам хўжалик ишларидан озод қилардилар... Онамиздек меҳрибон, кўнглимизга ҳамиша йўл топа оладиган устоз эди.

Юракларга эзгулик соларди улар: еттинчи синфда ўқирдик, баҳор яқинлашиб қолганда опамиз 28 туп сирень кўчати олиб келдилар.

— Сизлардан ва мендан эсдалик бўлиб қолсин. Мактаб ҳовлисига ҳар биримиз бир тупдан кўчат ўтказамиз, — дедилар.

Кўчатларимиз энди бўй чўзганда Флора опамиз оилавий шароит туфайли Тошкентга кўчиб кетдилар. Тўрт йилда онамиздек бўлиб қолган экан. Анча пайтгача уларнинг йўқлигига кўниколмадик ва ҳар баҳорда кўчатларимизни — Опамизнинг кўчатини алоҳида меҳр билан парваришладик... Сўнгги қўнғироқдан сўнг эса устозимиздан ҳам, кўчатларимиздан ҳам хабар ололмадик...

— Флора опа, балким сиренлар бўй чўзиб ҳар баҳор гул очиб сархуш ис таратаётгандир... балким... Ундай бўлса, Сизнинг олдингизда тилимиз сўзга айланмайди, Опа! Ўзни оқламоққа не ҳожат?!.

Қишлоқнинг оппоқ тонгларидан-да тоза қалбингиз, меҳрингиз қаршисида Сизга сажда қиламиз, Флора опа...

Юлдузлардан сўровим бор

Тунларнинг юлдузларга тўла кунлари қанча?

Кунларни тунга айлантирувчи юлдузлари-чи?

...Ғайри табиий ниҳоясиз ва интиҳосиз сўровларимга жавоб ахтариб юлдузли тунларга тикиламан: осмон бу кеча ерга яқин бўлдими ёки ерга яқин ўйларим муаллақ қолдими ҳавода...

Ногаҳон сўнгги қўнғироқнинг садолари ўн бир йил наридан жаранглаб, қулоқларим остига ўрнашиб қолгандек бўлди. Сўнгги қўнғироқ янграган куни тун бўйи юлдузларга илтижо қилиб Омад сўрагандим. Шунда юлдузларнинг ғойибона жимир-жимир қилиши менга бахт ато этадигандек севиниб кетгандим...

Бугун... бугун эса ўйларимга якун топмоқ учун тунни қоқ ёрган юлдузларга тикилганимда чўчиб кетдим: юлдуз учди, ҳар куни тун бўйи порлаб турувчи юлдуз учиб, йўқлик қаърига сингиб кетди...

Кўкда юлдуз учса ногаҳон,
Битди дерлар қайси бир тақдир...

Тақдир... Бу азиз ўқитувчиларимнинг тақдири эканлигини мен қайдан билай?... Билиб ишонмаганим, ишониб кўзларимдан ёшмас, армон оққанлигини қай бир кўнгил тушунаркин...

Шу куни юлдузларга ёлвордим: «Нега, нега Улар сенинг бағрингга сиғмади? Омонат дунёга яхшилар шунчалар омонатми?».

Фазлиддин ака Холиқов шоиртабиат инсон эди. Математика фанидан дарс ўтарди-ю, ҳеч бир ўқувчи бу дарсдан боши оғриб чиқмасди. Уларнинг ҳазилга тўла тўртликлари ҳаммани кулдириб, ўйлатиб, ўйнатиб машқларни ечишга даъват қиларди...

Турди Қори ака Қурбонов боладек беғубор, кўнгилчан, ўқувчилар билан тенгдошидек муомала қиладиган сахий қалб эгаси эди. Ўғлинг бевақт ўлими уларни эрта кексайтириб қўйганди...

Мавлуда опа Ғаффорова ниҳоятда босиқ, оғиртабиатлиги билан ажралиб турарди... Чамандек очилган гулзорда ғунча эди улар. Уларнинг гул ўйлари юракларида гуллигича сўлишини хаёлимизга ҳам келтирмагандик...

Манзура опа Маҳаматова дилбар, кўркам аёл эди. Юрса йўллар, кулса кўчалар тўларди. Кўнглингни кўтариб-кўтариб, қалбингни шодликларга тўлдириб қўярди кутилмаганда...

Яна Зойит ака, Ихбор опалар...

Тунни қоқ ёраётган юлдузларга тикиламану энди саволламайман уларни... Бешик ёнида ният қиламан: устозларимизнинг, кишиларнинг умри узоқ бўлсин, одамлар-оламлар, элу юртимиз тинч дастурхонимиз тўкин, кўрганимиз тўй бўлсин...

...Қизалоқнинг тушларига яна қўнғироқ кирди. У интиқ бўлиб кутаётган Биринчи қўнғироқ гўдак бўлиб улғаяётган Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини таратгувчи қўнғироқлар жарангига уланиб, жаҳон узра жаранглайверсин!..

Дилфуза ШОМАЛИКОВА,
журналист.

МУСТАҚИЛЛИК ОДИМЛАРИ

Мустақиллигимизнинг икки йили давомида Президентимизнинг махсус фармонлари билан ўтган йили Тошкентда жаҳон иқтисоди ва халқаро муносабатлар университети ташкил этилди. Пойтахтимиздаги чет тиллар, рус тили ва адабиёти институти базасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети очилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республикада янги олий ўқув юртларини ташкил қилиш тўғрисида 1992 йил 28 февралда чиқарган Фармонига мувофиқ вилоятларда жумладан, турли институт, факультет ва филиаллар негизида 7 та университет 7 та институтлар иш бошлади.

* * *

Кейинги икки йил ичида республикамиз ҳудудида 14 та коллеж очилди. Самарқандда кооператив, Тошкентдаги алоқа, Марҳамат туманидаги гидромелиорация, Янгиердаги қурилиш иқтисоди, технология ва бошқа коллежларда ёшлар турли касб ва ҳунар сирларини ўрганишмоқда.

* * *

1992-93 йилларда турли касб-корликлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган 28 та ҳунар-техника билим юртлари ташкил топди.

* * *

Туркияда 1200 дан ортиқ ёш олий ўқув юртлари ва ҳунар-техника масканларида ўқишмоқда. Ўзбекистон мактабларида ўтган йили 147 ёш медаль билан тамомлади. Ҳозир улар Туркиянинг 20 га яқин олий ўқув юртида билим олишмоқда.

* * *

Америка Қўшма Штатларида 48 йигит-қиз махсус курсларда инглиз тилини ўрганишяпти.

* * *

1991 йили Ўзбекистондан Саудия Арабистони дорилфунуларига ўқишга юборилган 21 ёш араб ва инглиз тилларида билим олишмоқда.

* * *

Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасида бошланган маданий алоқалар яхши самара бермоқда. 1993 йили афғонистонлик беш ёш Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, 17 киши эса Самарқанд педагогика билим юртини тамомлаб, ўз ватанига йўлланма олди.

* * *

14 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан олий ўқув юртлари ходимларидан бир гуруҳига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган экономист», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонлари берилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 5 февралда «Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари учун талабаларни тест усулида саралаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

* * *

23 август 1992 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра, 1992 йил 1 сентябрдан талабалар стипендиялари оширилди.

— Истиқлол... Мана шу сўзни тилга олишнинг ўзиёқ инсон руҳиятига чексиз ғурур ва сурур бахш этади. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг ўзлигимизни англаш, тарихимизни ўрганиш, миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш борасида қилинган ва қилинаётган ишлар қанчалар қимматбаҳо эканлигини таърифлашга тил ожиз...

Бобир МУМИНОВ,
Тошкент давлат университети журналистика факультетининг VI курс толиби.

●

Мен бир йилга Америка Қўшма Штатларига ўқишга кетаётганимдан хурсандман. Йил — ўн икки ой отаонадан, дўсту дугоналардан узоқда яшаш қиз бола учун осон иш эмас. Шундай бўлса-да, ҳар сафар тенгдошларимга чет элларда илм олиш имконияти бизга мустақиллик шарофати туфайли берилганини қувониб-қувониб таъкидлайман.

Ҳозир мен сафар олдидан Ватан туйғусининг нақадар улуғлигини бутун вужудим ила ҳис қилаяпман. Нега десангиз ортимда Мустақил Ўзбекистон менга кўз тикиб қолмоқда.

Ушбу шодиёна кунларда, жону таним билан фақат яхши ниятларни — Ватан истиқболи, келажаги йўлида илм-фан сўқмоқларида сабр-бардош, фидойилик каби хислатларни шахснятимда муажассамлантириб фаоллик кўрсатишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Дурдона ЖАЛИЛОВА.
Тошкент шаҳридаги 102-мактаб.

Мустақиллик деганда озодликни тушунаман. Илгари биз тутқун эдик. Энди озод қушмиз. Энди биз ўзлигимизга, ўз йўлимизга, ўз дастуримизга, ўз тилимизга, ўз байроғиимизга, ўз гербимизга, ўз давлат мадҳиямизга эгамиз. Мен фикримни севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари билан тугаллашни истайман.

Донгил сафарга чиқди энди ҳур Ўзбекистон,
Кимгадир оёқ ости, кимга у осмон бўлди.

Шукурким, ўз-ўзини таниди кекса жаҳон,
Яъни ўзбек давлати жумлан жаҳон бўлди!

Шаҳноза НОРҚУЗИЕВА,
Бекобод тумани А. Р. Беруний номидаги 42-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

МАКТАБ-93

ОТА-ОНАЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

Куни кеча республикамизнинг барча мактабларида йўқлама йиғини ўтказилди. Аксарият ўқувчилар янги мактаб кийимида илм масканларига қадам қўйдилар. Шу тариқа бир неча йилдан буён давом этиб келаётган «Ўқувчининг кийими қандай бўлиши керак?» мавзуидаги мунозарага якун ясалди. Бу йил бичувчи-тикувчилар томонидан яратилган ўқувчи кийими ота-оналарга манзур бўлди (суратларда уларнинг бир нечта намуналари бериляпти). Айни кунда махсус кийим ишлаб чиқариш учун тавсия этилди.

«Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув»дан олинган маълумотларга қараганда, ишлаб чиқарилаётган ўқувчи кийимлари ҳамда мактаб учун зарурий ашёлар етарли даражада эмас. Шу боис тегишли ташкилотлар ушбу масалалар юзасидан чора-тадбирлар белгиладилар. Ҳозир мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, қўшимча манбаларни қидириб топиш борасида қизғин ишлар олиб бориляпти. Амалга оширилаётган юмушлар ўғил қизларимиз тез орада мактаб кийимлари билан таъминланадилар, деб айтиш учун тўлиқ асос бўлади.

М. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари.

Осмонда қалин булутлар бўлгани билан, у ёмғиру қорга айланиб ерга озуқа бермаса не фойда. Билимли бўлса-ю, ўз билимидан атрофидаги одамларни баҳраманд эта олмаса, бундай билимдондан не фойда.

●

Ўзбекларнинг ҳар бир оиласи бир мактаб. Бу мактабнинг директори ота бўлса, тарбиячиси онадир. Синф раҳбари эса — тўнғич фарзандлар.

●

Оиладаги таълим-тарбия шу раҳбарларнинг зийраклиги, билим савиясига боғлиқ.

Қаровсиз, ташландиқ боғнинг меваси мазасиз ва шўр бўлганидек, тарбиясиз, пандунасиҳатсиз, ўсган боланинг сўзларида ҳам таъм бўлмайди.

●

Кийим-бош одамни иссиқ-совуқдан ҳимоя қилади. Ақлу фаросат эса, нодонлиқу калтафаҳмликдан, сотқинликдан ҳимоя қилади.

●

Бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлганидек бемаза одамларнинг бемаза гаплари ҳам кўп бўлади. Оқибатда уларнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмай қўяди. Муаллим бундай бўлиши мумкин эмас. Борди-ю бемаза муаллим бўлса, бу мактаб учун офатдир.

●

Ойнада одамнинг акси кўринади, суҳбатлашувда эса одам қалбининг акси кўринади.

●

Сув танани ифлосликдан тозалайди. Билим эса танани ёмонликдан, ақлсизликдан тозалайди.

●

Болада ҳулқ-атвор етти ёшгача шаклланади. Ундан кейин эса умрбод шу ҳулқ-атворга шакл ва ишлов бериб борилади. Энг яхши ишлов умрбод ўқиш ва ўрганишдан иборатдир.

МУАЛЛИМ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ҲАР ОИЛА БИР МАКТАБ

Танни чанг-тўзон кир қилади. Одам қалбини ёмон сўзлар, ғийбатлар кир қилади.

●

Бола миясн мисоли ҳали ўзлаштирилмаган қўриқ ер. Бу ерни боғу бўстонга айлантирадиган чўлқувар муаллимдир.

●

Турлч-туман гуллар, капалакларни ўзига ром этади. Муаллимнинг ҳам турли-туман маъноли сўзларига, капалак мисоли болалар эргашадилар, талпинадилар.

●

Дарахт гуллаб мева беради: манзара ва соя беради. Бу ҳам етмаганидек инсонга умрбод бошпана ҳам бўлади. Билимли муаллим ҳам дарахт мисоли бола миясига билимлар мевасини беради. Илмга чанқоқлигини қондиради. Бунинг устига бола ақлига муаллимнинг сўзлари умрбод бошпана бўлади.

●

Бола меҳрибонликни онадан, қаттиққўлликни отадан олади, дейишади. Лекин барча одамийликни бола, албатта, муаллимдан олади.

●

Бола учун ўттиз икки ҳарфни ўрганиш жуда машаққатли вазифадир. Ҳар бир ҳарфни забт этиш, унга олам қувонч беради. Ўттиз икки чашма мисоли, ҳарфлар чашмаси болани тинч қўймайди. Болани бу чашма, сўзлар денгизига олиб чиқади.

Сўзлар денгизидан бола ҳаёт денгизига ўтади.

●

Ўз устида ишламайдиган зўрма-зўраки, енг учида дарс ўтадиган муаллим ҳам, қуриган дарахтдай бир гап.

●

Деҳқоннинг меҳнати бир йилда билинади.

У эккан ниҳолидан мўл ҳосил олиши мумкин. Бунда у олқиш олади. Экиннинг ҳосили яхши бўлмаса, вақтинча уятга қолади. Лекин иккинчи йили, ишни яхши ташкил этса, яна олқиш олаверади. Аммо муаллимнинг меҳнати ўн йилдан кейин билинади. Нотўғри ишлов берганининг азобини эса, у умрбод тортади. Шунинг учун ҳам муаллим болаларга кунлик бериладиган таълим-тарбиянинг ҳаммасини бериши керак.

С. ОСТОНОВ,
Қамаши туманидаги Нодир Пардаев номли 74-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ДИЛ ИЗҲОРИ

БОШИНГ ТОШДАН БЎЛСИН, ҲУРРИЯТ!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА, шоира

— Мустақиллигимизнинг бир йиллиги нишонланаётган кунларда бир гуруҳ шоирлар билан «Мустақиллик қасидаси»ни битгандим. Унда «Ҳуррият, қийналиб кетарсан, Қийналиб кетарсан биз билан...». «Бошинг тошдан бўлсин, Ҳуррият»... деган жумлалар бор эди. Мен ҳамон «Бошинг тошдан бўлсин, Ҳуррият» дея юрибман. Илтижо қиламан. Чунки кўпчилигимиз ҳали-ҳануз Озодликнинг қандай улкан мўъжиза эканлигини тушуниб, унинг тўла маъносига етганимизча йўқ. Айримлар ҳатто «хўш, нима ўзгарди, талонга нарса олишми?» — деб ҳам айтишаяпти. Менимча, инсон ҳеч қачон тушкунликка тушмаслиги керак. У агар ўзи хоҳласа, интилса жуда бахтли, жуда мағрур бўлиши мумкин. Яна биз шуни англашимиз керакки, ўзимиз ўзгармагунча, ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳар биримиз ўзимизни озод Ватан фуқароси даражасига оғизда эмас, амалда ўзгартиришимиз керак.

Туркнинг бек йигитин яратган эгам,
Ошиғлиқ ҳам бошлиғ учун яратган.
Бир булбул беш гулга эгадир деган,
Беш гулга томошлиғ учун яратган.
Нечун қон жўшмасин, бунёдкор инсон —
Жигарлик, бағирлик учун яратган.
Недан бу тўзғоғлиқ, недан бу гумон,
Бирлашув, жипс бирлик учун яратган.
Бизларга бу дамлар балки мукофот,
Туркистон яратсин учун яратган.
Ҳукм ҳақ, ким этмас бўлса итоат,
Бир қора, яра кун учун яратган.
Бас! Туркнинг беш ўғлин яратган эгам,
Ошиғлиқ ҳам бошлиғ учун яратган.
Ҳурлик кечасида озодлик учун,
Кўкина қуёшлик учун яратган.

Куйла, қувна ёш кўнгил!

Холмат МИРЗАКАРИМОВ сурат-лавҳаси.

АРМУҒОН

Марҳамат туманида 840 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб, 140 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Бу қурувчилар ва оталиқ ташкилотларининг Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги арафасида ёш авлод учун муносиб армуғони бўлди.

— Сўнгги йилларда туманимизда 3768 ўқувчи ўринли 6 та мактаб, 650 ўринли болалар боғчаси бунёд этилди, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Расулжон Султоналиев. — Умуман, янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилди. Мактаблар ва мактабдан ташқари муассасалар биноларини таъмирлаш ишлари 5 июлдаёқ ниҳоясига етказилди. 37 та умумий таълим мактабидан 7 таси тўла, 30 таси жорий таъмирдан чиқарилди. 17 та болалар боғчаси, 4 та мактабдан ташқари муассаса биноларн сифатли таъмирланиб, талаб даражасида жиҳозланди.

Тумандаги таълим муассасаларини газлаштириш, қишки мавсумга тайёрлаш ишларида ҳам муваффақиятларга эришилди. 8 та мактаб, 2 та болалар боғчасига табиий газ уланди, 21 та мактаб, 5 та болалар боғчасида иситиш қозонларн ва тизимлари созланди.

Мактабларнинг ўқув-моддий, техника базасини мустаҳкамлашда «Машъал» (раиси Адҳамжон Маҳкамов), «Андижон 50 йиллиги» (директори Мамашокир Хўжалиев) ва Мадумар Тожибоев номли (раиси Солижон Зокиров) давлат ва жамоа хўжаликларининг ёрдами катта бўлди. Бу иқтисодий қийин шароитда ҳам ёш авлод учун ғамхўрликнинг чинакам намунасидир.

А. ЭРАЛИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Зокир ака УСМОНОВГА!

Устоз, Сиз 40 йил давомида кўз нурингизни, қалб қўрингизни аямасдан ёшларга сабоқ бердингиз. 28 йилдан бери Зангиота туманидаги 42-мактабда раҳбардик лавозимида ишлайсиз. Фарзандларингиз юртга намуна, шогирдларингиз бисёр.

Муборак 63 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Доимо омон бўлинг!

ШОГИРДЛАРИНГИЗ.

КЕЛИНГ, КУЛИШАЙЛИК

ЖАЖЖИ ҲАЖВИЯЛАР

Меҳнат ўқитувчиси ўқувчилардан навбат билан сўрай бошлади:

— Қани, Зафар, айтгинчи, сен ким бўлмоқчисан?

— Сотувчи, — деб жавоб берди Зафар.

Шунда у билан бир партада ўтирадиган Обид йиғлаб юборди. Ўқитувчи бунинг сабабини сўраган эди, у ичикиб-ичикиб йиғлаган ҳолда оғир бир хўрсиниш ва ўкинч билан жавоб берди:

— Ахир, мен сотувчи бўлмоқчи эдим. Дадам қаттиқ ваъда бериб ишонтириб қўйган эдилар. Ўзлари қарилик нафақасига чиқсалар, мени ўз ўринларига қўйиб кетмоқчи эдилар. Энди инсоф билан айтинглар-чи, қишлоғимизда ўзи борйўғи битта магазин бўлса, уни Зафар эгалласа, мен ким бўламан ахир?

* * *

Хасис она билан ота ёлғиз фарзандларига тайинлаб қўйишибди.

— Кимда-ким бизни сўроқлаб келса, аввал қўлига қаранглар. Қўлида тугуни, совға-саломи бўлса, уйга киритгин. Қўли қуруқ бўлса, бизни уйда йўқлар деб қўя қолгин...

Бола ҳар доим уларнинг топшириғига қатъий амал қилиб юрди. Бир куни кеч киришига яқин эшикни очаркан, ҳовлиқиб сўради:

— Дада, ойи, қишлоқдан бобом келибдилар. Қўллари қуп-қуруқ. Аммо елкаларида каттакон қоп бор. Сизларни уйда бор дейми, йўқ дейми?

* * *

— Дада, ойи, мени ҳар доим тўполонни биринчи бўлиб сен бошлайсан, сувни лойқалатиб турасан, бошн берк кўчага кириб бораяпсан, деб қойийсизлар. Айтинглар-чи, мен ҳеч қачон ариқда чўмилмасам, ҳар доим водопроводда ювинсам, қандай қилиб, қайси сувни лойқалатибман. Бунинг устига қишлоғимизда бирорта ҳам боши берк кўча бўлмаса, мен қандай қилиб, қайси боши берк кўчага киришим мумкин?

Акбар ҲАЙДАРОВ.

ЧЕТ ЭЛ ХАНДАЛАРИ

Бобби: — Онажон, кўчамиздан уйдай катта юк машинаси ўтиб кетди.

Она: — Нарсаларни мунча каттартириб айтасан? Ахир, йигирма миллион марта айтдим-ку, бундай одатингни ташла деб.

* * *

Она: — Айт-чи, ўғлим, даданг нарвондан йиқилганда нима деди?

Ўғил: — Ёмон сўзларни айтмасам бўладими?

Она: — Албатта, азизим.

Ўғил: — Ҳеч нарса демадилар.

* * *

Бетти: — Онанг чўмилмаганингни қандай билиб қолди?

— Совунни ҳўллашни эсдан чиқарибман.

* * *

Ўқитувчи: — Том, сутли нарсаларга бешта мисол келтир.

Том: — Сариёғ, пишлоқ, музқаймоқ ва иккита сигир.

* * *

Том: — Бугун муаллимнинг саволига фақат мен тўғри жавоб бердим.

Она: — Жуда яхши. Қандай савол эди?

Том: — Синфхонанинг деразасини ким синдирди?

* * *

Она: — Нелли, тушликдан олдин қўлингни ювдингми?

Нелли: — Ҳа, ойижон. Ишонмасангиз сочиққа бир қаранг!

Инглиз тилидан Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги И. Мўминов номли 22-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нилуфар ЖУРАЕВА таржималари.

«ЎЗБЕКИСТОН» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарий! Қуйидаги таърифланган сўз ва номлар шаклга белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзиш билан ҳал этилади.

1. Эрон шоҳи Доро қўшинлари билан сак қабилалари ўртасидаги жанглар қаҳрамони ҳақидаги афсона. 2. Хоразм вилоятидаги тарихий шаҳар. 3. Фарғона водийсидаги анору анжирлари билан машҳур маскан. 4. Ўзбекистон Республикаси рамзидаги афсонавий қуш. 5. Ўзбек халқ мақоми. 6. Абдулҳамид Чўлпоннинг машҳур шеъри. 7. Миллий от спорти мусобақаси. 8. Бухоро вилоятидаги оловкорлар шаҳри. 9. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаган ўзбек ғазалнавис ва ҳажвиёт шоири. 10. Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 11. Қарши шаҳрининг қадимий номларидан бири. 12. Чертиб чалинадиган миллий, торли мусиқа асбоби. 13. Ўзбек мърифатпарвар шоири. 14. Улуғбекка устозлик қилган, замондошлари томонидан «Афлотуни замон» деб аталган аллома. 15. Ипак газлама. 16. Жумҳуриятимиздаги энг йирик матбаа — нашриёт бирлашма. 17. Қадимда давлат бошлиқларининг қароргоҳи. 18. Таниқли эстрада дастаси. 19. Марказий Осиёдаги денгиз. 20. «Шашмақом» таркибидаги мақом. 21. Вилоят маркази. 22. Кулолчилик ривож топган туман. 23. Шарқда қурилган мезана шаклидаги баланд бино. 24. Ҳисор тизмасининг шимолий — ғарбидаги, арчазорлар билан қопланган қўриқхона. 25. Ёзувчи, «Афросиёб гўзали» асари муаллифи. 26. Чирчиқ дарёсида қурилган улкан электр корхонаси.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (ҳаммуассис),
Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир: Саъдулла ҲАКИМ
Таҳрир ҳайъати:
Умида Абдуазимова, Ашурали Аҳмедов, Алишер Каримов, Гаффор Маннопов, Абдулла Орипов, Тотлимурод Отамуродов, Маҳкам Раҳмонов, Маҳмуд Саидаҳмедов, Баҳром Қодиров, Бегали Қосимов, Абдусами Ҳақбердиев /масъул котиб/.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент, 700083,
Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР:
маъсул котиб — 32-54-17,
хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
ИНДЕКС: 64595.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000040.
Буюртма Г — 549.
91379 нусхада босилди,
ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А—2

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, Корхона манзили: «Буюк Туроон» кўчаси, 41-уй. А—2. Босишга топшириш вақти 20.00. 123456. Босишга топширилди — 21.30.